ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 10 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 159 (13.222)

Баҳоси эркин нархда

ДАТО НОРАЙНИ БИНТИ АБД ҲАМИД:
ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛДА ҒОЯТ УЛКАН, ТАРИХИЙ ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 21 февралда ўрнатилган. Малайзия мамлакатимизнинг Жануби-шарқий Осиёдаги истиқболли шерикларидан бири ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил октябрда Малайзияга давлат ташрифи ва Малайзия Бош вазири Аҳмад Бадавийнинг 2008 йил ноябрда мамлакатимизга расмий ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга асос бўлиб келмоқда.

ЎзА мухбири **Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дато Норайни бинти Абд Ҳамид** билан мустақиллик йилларида Ўзбекистон эришган ютуқлар, ўзаро ҳамкорлик самаралари ҳақида суҳбатлашди.

– Ўзбекистон 25 йил давомида ғоят улкан, тарихий муваффақиятларни қўлга киритди, аграр республикадан саноати изчил ривожланаётган, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган барча маҳсулотларни ишлаб чиқараётган замонавий давлатга айланди, – деди Дато Норайни бинти Абд Ҳамид. – Фаолиятим давомида мамлакатингизда рўй бераётган улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлмоқдаман.

Биргина шу йилнинг ўзида қанчадан-қанча бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, улкан объектлар ишга туширилди. Фарғона водийсини бошқа вилоятлар билан боғловчи Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннели очилгани, юқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб" поезди йўналишлари кенгайтирилаётгани шулар жумласидандир. Бундай ишлар транспорт коммуникациялари, саёҳат ва бизнес соҳаларини янада ривожлантириш учун улкан имкониятларни яратади.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ўттиздан зиёд мамлакатга, хусусан, Малайзияга тўғридан-тўғри парвозларни амалга оширмоқда. Бу халқаро қатновлар учун кўплаб қулайликлар яратиб, сайёҳлик соҳасини тараққий эттиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиёти мустақил ва барқарор бўлиб, турли йўналишларни ўзида мужассам этган. Бизнес соҳаси мамлакатингизнинг барча ҳудудларида жадал ривожланаётгани эътиборга молик. Замонавий корхоналар ва уй-жойлар барпо этилаётгани, кўчаларда автомобиллар йил сайин кўпайиб бораётгани аҳоли фаровонлиги тобора ортаётганидан далолат беради. Ўзбекистон "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингида юқори ўринлардан бирини эгаллагани бежиз эмас.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ









ЯШНОБОД ТУМАНИ:
ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамининг кенг нишонланиши муносабати билан пойтахтимиз янада чирой очмоқда. Шаҳримизнинг барча туманларида байрамолди тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Ҳамюртларимизнинг кайфияти чоғ, кўнгиллари тўқ, қалблари завққа тўлиб энг азиз байрамни қарши олмоқдалар.

Яшнобод тумани Миробод, Бектемир, Мирзо Улуғбек, Сергели, Қибрай туманлари билан чегарадош, кўп миллатли аҳоли аҳиллиқда истиқомат қилаётган ҳудудлардан биридир.

Туманда 57 маҳалла, 869 та кўп қаватли, 15313 та якка тартибдаги уйлар мавжуд, 220 дан ортиқ ХУЖМШ фаолият олиб боради. Туманда 220 мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Меҳнат ресурслари 149,2 минг киши, иқтисодиётда банд аҳоли 131 минг кишини ташкил этади.

Яшнобод тумани ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида етакчилардан ҳисобланади. Бугун ҳудудда 3450 дан зиёд ана шундай корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилдан йилга ошиб бормоқда. Масалан, 2012 йилда жами кичик бизнес сони 2729 та рўйхатдан ўтган бўлса, 2015 йилга келиб 3322 та, 2016 йил биринчи ярим йиллигида 3493 тани ташкил этди. Ўз навбатида 2012 йил билан солиштирганда 764 та ёки 128 фоизга кичик бизнес субъектлари кўпайган.

Соҳалар кесимида кичик бизнес улуши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 2012 йилда 58,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб 67,3 фоиз, 2016 йилнинг биринчи ярмида 69 фоизга етган. Хизмат кўрсатишда 2012 йилда 42,2 фоиз, 2015 йилда 49,6 фоиз, 2016 йил биринчи ярмида 52,4 фоизга етган. Қурилишда ҳам 2012 йилда 51,6 фоиз, 2015 йилда 61,5 фоиз, 2016 йил биринчи ярмида 63,4 фоизга етган.

Туманда олиб борилаётган босқичма-босқич ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар туфайли ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. Туманда 29 та мактаб, 40 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та академик лицей, 6 та касб-ҳунар коллежи ва 5 та мусиқа мактаби, иккита стадион, 3 та сув ҳавзаси, 51 та спорт зали ёшлар камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

Айни кунда Мирзо Улуғбек ва Тараққиёт кўчаларида янги йўл барпо этилмоқда. У мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади. Туманда кўчалар, маҳаллалар, ижтимоий соҳа объектлари, савдо, хизмат кўрсатиш объектлари тартибга келтирилмоқда. Қорасув, Фарғона йўли кўчаларидан ўтган трамвай йўллари олиб ташланиб, ўрнида кенг ва равон йўллар барпо этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, туман аҳолиси мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида ҳудудда ободонлаштириш ишларини кучайтирган. "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида туманда турли маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

(Яшнобод туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Миллий матбуот марказида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти томонидан аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

"Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи Э.Саъдуллаев ва бошқалар истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида энергетика тармоғини изчил ривожлантириш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида мамлакатимиз электр энергияси таъминоти бўйича ички бозор эҳтиёжини қоплаш билан бир қаторда уни экспорт қилувчи давлатлар қаторидан муносиб жой олганини ҳам таъкидлади.

Истиқлол йилларида электр станцияларининг қуввати 1,9 миллион киловатт/соатга ошиб, ишлаб чиқариш ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридагига нисбатан қарийб 10 миллиард киловатт/соатга кўпайди.

Ўтган даврда Янги Ангрен иссиқлик электр станциясида 600 мегаватт, Толимаржон иссиқлик электр станциясида 800 мегаватт қувватга эга бўлган энергоблоклар ишга туширилди. Навоий иссиқлик электр станциясида қуввати 478 мегаваттли замонавий буғ-газ қурилмаси қурилди. "Тошкент иссиқлик электр марказида когенерацион газ-турбина технологиясини жорий қилиш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида қуввати 27 мегаваттга эга газ-турбина қурилмаси барпо этилди.

Ҳозирги кунда Толимаржон, Тошкент, Тахиатош ва Навоий электр станцияларида буғ-газ қурилмаларини қуриш лойиҳалари бажарилмоқда. Наманган вилоятида Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини барпо қилиш лойиҳаси доирасида ҳар бири 450 мегаваттга эга бўлган иккита буғ-газ қурилмаси қурилмоқда. "Толимаржон ИЭСини иккита ҳар бири 450 мегаватт қувватига эга бўлган буғ-газ қурилмасини қуриш билан кенгайтириш" лойиҳаси бўйича биринчи ва иккинчи буғ-газ қурилмалари учун буғ ва газ турбиналари ўрнатилмоқда.

"Тошкент ИЭСда қуввати 370 мегаваттга эга бўлган буғ-газ қурилмасини қуриш" лойиҳаси доирасида қозон ва буғ турбинасини йиғиш якунланиб, қурилиш-монтаж, газ турбинасини йиғиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳани жорий йилнинг якунигача тугаллаш кўзда тутилган.

– Мамлакатимизда табиий ресурсларни тежаш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи ўринбосари Улуғбек Ҳакимов. – Шу мақсадда "Жиззах" махсус индустриал зонасида хорижлик ҳамкорлар иштирокида қуёш энергияси орқали сув иситиш қурилмаларини ишлаб чиқарувчи "Қуёш иссиқлик энергияси" ҳамда энергия тежамкор светодиодли ёритиш қурилмаларини ишлаб чиқарувчи "Ёрқин чироқлар" корхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Самарқанд, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ҳар бири 100 мегаватт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станциялари қурилиши режалаштирилган. 2020 йилга қадар ишлаб турган ГЭСларни модернизациялаш ва такомиллаштириш ишлари кўзда тутилган.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

(ЎзА)

ХХ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг Самарқанд вилоятидаги ҳарбий қисмлари хизматчилари учун янги уй-жойлар ҳамда чегара пости фойдаланишга топширилди.

● Чирчиқ шаҳрида "Ватан тараққиётига фарзандларимиз қўшган ҳисса" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тошкент вилояти ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда турли соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётган ёшлар ва уларнинг ота-оналари, педагоглар, фахрийлар, санъаткорлар иштирок этди.

● Хивада ўтказилган "Гурвак – Хоразм қовунчилиги рамзи – 2016" савдо ярмаркасида вилоятнинг полизчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ўз маҳсулотларини намойиш этди.

● Янгийўл туманидаги "Мараканда плюс Файз" фермер хўжалигига қарашли интенсив боғда мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб экологик акция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Экоҳаракат фаоллари, аграр соҳа мутахассислари, ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Япониянинг Йокогама ва Кавасаки шаҳарлари яқинидаги Кейхин портида икки танкернинг тўқнашиб кетиши оқибатида нефть оқиқ денгизга сизиб чиқди ва танкерлардан бири чўка бошлаган. Япония қирғоқ полицияси ҳодиса тафсилотларини ўрганишга киришди.

● Буюк Британия "Airbus" компаниясини фирибгарлик ва коррупцияда гумон қиляпти.

● Непалнинг Катманду шаҳри яқинида "Fishtail Air" компаниясига қарашли "N-АКА" хусусий вертолётининг қулаб тушиши оқибатида учувчи ва олти нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмди.

● Покистон жанубидаги Синд вилоятида ёққан кучли жала туфайли юзага келган сув тошқини оқибатида 21 киши ҳалок бўлди. Ҳозирда вилоят ҳудудидаги йўллар сув остида қолган, электр тармоқлари шикастланган. Табиий офатдан зарар кўрган ҳудудда қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
25
O'ZBEKISTON

ЯШНОБОД ТУМАНИ:
ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ











Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши йилдан йилга ошиб бормоқда. Яшнобод туманида ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, маҳсулотини хорижга экспорт қилаётган корхоналар талайгина.

КИЧИК БИЗНЕС – МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Масалан, 2011 йилда ташкил этилган "ASIA PIPEPLAST" корхонаси Марказий Осиёда ягона бўлиб, диаметри 200 мм.дан 400 мм.гача бўлган қувурлар ишлаб чиқармоқда.

— Маҳсулотнинг сифати биринчи ўринда туради, — дейди корхона директори ўринбосари Абдунаби Кобулов. — Цехларимизга Австралия ва Германиядан келтирилган 4 та технологик линия ўрнатилган, маҳсулотимизга талаб катта. Айни пайтда юзга яқин ишчилар меҳнат қилишаяпти.

Корхонада маҳсулот сифатини назорат қилувчи махсус лаборатория бўлиб, қувурларнинг сув босимига чидамлилигини текшириб беради. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш суръати йилдан йилга ошиб бормоқда. Масалан, 2011 йил 4 млрд.сўм маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 12 миллиард сўм, 2014 йил 19 млрд. 573 млн.сўм, 2015 йилда эса 28 миллиард 24 млн. сўм миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Яшнобод тумани ҳудудида жойлашган яна бир корхона "SILKCOAT PAINT" қўшма корхонаси асосан бўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона раҳбари Ғуломжон Ҳамроқуловнинг билдиришича, бир гектар ер ижарага олиниб, 8 йилдан бери ички бозорга маҳсулот етказиб берилаяпти. Айни пайтда 41 та ишчи иш билан банд, технология Туркиядан олиб келинган. Корхона ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида банк кредитларидан мунтазам фойдаланиб келади. Яқинда хом ашё учун 1 миллиард сўм кредит олинди. Бу ҳам ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ

Яшнобод туманида 57 та маҳалла бўлиб, кейинги пайтда олиб борилган ободончилик ишлари туфайли уларнинг қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Туманда фаолиятидан намуна олса арзийдиган ибратли маҳаллалар кўпчиликни ташкил этади. "Энг намунали фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг Тошкент шаҳар босқичида 1-ўринни эгаллагани учун Яшнобод туманидаги "Тонг" маҳалла фуқаролар йиғини 1-даражали диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Биз сафаримиз давомида ушбу маҳаллага ташриф буюрдик.

Маҳаллада 18 та кўп қаватли уй жойлашган, 5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилиб келади. Уларга 6 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади.

— 2013 йилдан маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаб келаяпман, — дейди МФЙ раиси Равшан Тўраев. — Маҳалла идораси дастлаб ноқулай жойда эди. Туман ҳокимлиги ёрдами билан бизга жой ажратишди, шу жойга кўчиб ўтдик, бинони мукаммал таъмирлаб олдик, ишлаш учун зарур шароитларни яратдик. Кўп қаватли уйларда муаммо бўлиб келаётган томларни ёпдик. Бунда бизга тижорат банкларининг ёрдами катта бўлди, албатта.

Маҳалла оқсоқоли Равшан Тўраев асли қурувчи-инженер, шунинг учун ҳам қурилиш, ободончилик ишларини яхши кўради. Мазкур йили "Энг намунали фуқаролар йиғини" туман босқичида 57 та маҳалла ичидан биринчи ўринни олиб, шаҳар босқичига чиқди. Шаҳар босқичида 11 та туман иштирок этди. Унда ҳам биринчи ўринни олди. Бу Равшан Тўраев учун катта ютуқ эди.

Маҳаллада оилалар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Яраштириш комиссияси фаол иш олиб бормоқда. Маҳаллада қилинган янгилик, коммунал соҳа бўйича фуқароларнинг арзини эшитиб, ширкатлар ишини назорат қиладиган битта комиссия тузилди.

Маҳалладаги "Ал азиз коммунал" ХУЖМШни Матлуба Содиқова бошқаради. Илгари коммунал соҳада ишлагани учун ўз ишини яхши билади. 6 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади, 35 та йўлак, 7 ертўла унга қарайди. Мазкур йили банкдан 45 млн. сўм кредит олиб, 16 ва 18-уйларнинг йўлакларини таъмирлади, акфа ромлар ўрнатилди, ҳозир 16-уйда мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.

Бу амалга оширилаётган ишларнинг ҳаммаси аҳоли учун, унинг фаровонлигини таъминлаш учун бўлмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Бугун замонавий, барча талабларга жавоб берадиган поликлиникалар қад ростламоқдаки, бу аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Яқинда Яшнобод туманининг "Тузель" маҳалласида "Фарма сервис" МЧЖ қурувчилари томонидан 3 қаватли замонавий оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди.

— Ҳукуматимизнинг биз тиббиёт ходимларига эътибори туфайли кўриб турганингиздай замонавий кўринишдаги барча қулайликлари бор бинога эга бўлдик, — дейди умумий амалиёт шифокори Рихсихон Акрамбоева. — Кенг ва ёруғ хоналар, энг сўнгги русумдаги диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бундай шароитда ишлаш албатта кишига хуш ёқади.

Бу ерда 20 та умумий амалиёт шифокори 34 минг 600 аҳолига хизмат кўрсатади. "Соғлом она ва бола" йилида туғиш ёшидаги аёллар болажонлар юз фоиз тиббий кўрикдан ўтиб, соғломлаштирилди.

Ушбу поликлиника бир йил ичида қуриб битказилди, бунинг учун 4 миллиард сўм маблағ сарфланди. Биринчи қаватда лаборатория диагностика хоналари, чақалоқлар учун тарози, УЗИ аппарати мавжуд. 2 ва 3-қаватда мутахассислар учун алоҳида хоналар ажратилган. Умуман олганда, "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида 40 млн. сўмга яқин асбоб-ускуналар келтирилди.

Сокин 10-берк кўчаси, 20-уйда яшовчи Дилфуза Пўлатова 3 яшар қизчасини поликлиникага олиб келди. У қизчасини тиббий кўрикдан ўтказди. Ҳаммаси жойида. Дилфуза поликлиника шифокор ва ҳамширалари хизматидан мамнунлигини билдирди.

ОРАСТА ҚИЗЛАР ФАХРИМИЗ

Яшнобод тумани аҳолисининг 54 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Туманда таълим, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш каби етакчи соҳаларда аёллар меҳнат билан банд.

– Байрам муносабати билан қатор маданий-маърифий тадбирлар уюштирилаяпти. Яқинда "Ёш тадбиркор қиз" номинацияси бўйича танлов ўтказилди, – дейди Яшнобод тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Орзуой Идрисова. – Унда тумандаги 8 та тижорат банки фаол иштирок этиб, кредит олмоқчи бўлган қизларга ўз хизматларини таклиф этишди. Мазкур йили туманимиздаги 6 та касб-ҳунар коллежини 351 та қизимиз битирди, шу чоққача уларнинг 57 фоизи ишга жойлаштирилди.

Яшнобод туманида жойлашган Тошкент хотин-қизлар коллежи Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 апрелдаги қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1997 йил 6 майдаги 127-сон буйруғи асосида ташкил топган ўқув муассасаларидан бири.

Коллежда бугунги кунда 450 нафар қизлар 6 та йўналиш бўйича таҳсил олишади. Жумладан, сартарош ва косметолог, кийимларни лойиҳалаштириш ва моделлаштириш конструктори, бухгалтерия, мактабгача таълим, бошланғич таълим йўналишларини айтиб ўтиш мумкин. Уларга 40 га яқин малакали педагоглар дарс бериб келишади.

Бу ерда ўқувчилар учун барча шароитлар яратилган. Замонавий ўқув жиҳозлари билан жиҳозланган хоналар, спорт зали, ахборот ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрида.

Коллеж ўқувчиларининг ютуқлари ҳақида гапирганда, 2012 йили Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловида коллеж ўқувчилари фахрли биринчи ўринни олишди. Ўқувчи қизлар "Ораста қизлар" кўрик-танловида мунтазам қатнашиб боришади. Шу йили бўлиб ўтган "Солиқ билимдонлари" танловининг Тошкент шаҳар босқичида 2-ўринни эгаллашди. Мазкур ўқув йилини битирган ўқувчиларнинг 91 фоизи айнан ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашган. 2016-2017 ўқув йилига 210 нафар ўқувчи саралаб олинди. Айни пайтда янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари якунига етмоқда.

Саҳифа материалларини Зокир ШАРИФЖОНОВ тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

ДАТО НОРАЙНИ БИНТИ АБД ҲАМИД:
ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛДА ҒОЯТ УЛКАН, ТАРИХИЙ ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида нималар дея оласиз?

– Мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги савдо, иқтисодиёт, таълим, сайёҳлик ва маданият каби соҳаларда изчил тараққий этмоқда.

Савдо соҳасида Ўзбекистон мамлакатимизнинг энг йирик шерикларидан ҳисобланади. Ўтган йили Малайзиянинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмасида Ўзбекистоннинг улуши 64,7 фоизни ташкил қилди.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида ҳам улкан салоҳиятга эга. Халқингиз жуда самимий ва меҳмондўст. Ўзбекистоннинг тарихий ва замонавий шаҳарлари, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиш истагида бу ерга кўплаб малайзияликлар ташриф буюрмоқда. Малайзия ҳам Ўзбекистондан кўплаб сайёҳларни қабул қилмоқда. Бу халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

– 2016 йил Ўзбекистонда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган. Мамлакатимизда бу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

– Ўзбекистонда 2016 йил Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилингани Президент Ислом Каримовнинг она ва бола саломатлигига, уларнинг бахт-саодатига қаратаётган улкан эътибори ва ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Зеро, соғлом фарзанд баркамол инсон бўлиб улғайиб, халқ фаровонлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшади.

Давлатингиз раҳбарининг мазкур ташаббуси мамлакатингизда тиббиёт тизимидаги ислоҳотларни янада фаоллаштиришга, халқингизга кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Тинчлик ва осойишталик ҳар қандай мамлакат тараққиёти ва фаровонлигининг асосидир. Ўзбекистон тараққиётга эришиш йўлида турли йўналишларда, айниқса, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида тизимли ислоҳотларни амалга оширди. Пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсат Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, энг муҳими, мамлакатда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлаш имконини берди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мамлакатингиз давлат мустақиллигининг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этаман. Ўзбекистонга равнақ, халқингизга бахт-саодат, мустаҳкам соғлик, фаровонлик ва улкан зафарлар тилайман.

Нодира МАНЗУРОВА
суҳбатлашди

МИЛЛИЙ АХБОРОТ СОҲАСИ БИЛАН ТАНИШУВ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ахборот соҳасини ривожлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар жамиятни демократлаштириш ҳамда иқтисодиётнинг тизимли ривожланиши самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон алоқа тарихи музейида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган семинар-экскурсия истиқлол йилларида соҳада амалга оширилган ишлар ва уларнинг самараларига бағишланди.

Тадбирда парламент қуйи палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги ташкилотлар ходимлари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси масъул ва мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев ва бошқалар мамлакатимизда коммуникациялар, ахборот технологиялари ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани мазкур соҳанинг жадал суръатларда ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси иқтисодиёт тармоқлари ҳамда давлат бошқарув тизимининг фаолият самарадорлигига хизмат қилувчи ўзига хос локомотив сифатида намоён бўлди.

Ахборотлаштириш соҳасининг ривожланиши давлат электрон хизматлари, электрон тижорат механизмларидан фойдаланиш имкониятларини оширмоқда. Бу аҳоли ҳамда давлат муассасалари, истеъмолчи ҳамда ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи) ўртасидаги муносабатларда мутлақо янгича ёндашувларнинг шаклланишига хизмат қилмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда соҳада эришилган натижалар халқаро жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилаётгани таъкидланди.

Семинар-экскурсия доирасида иштирокчилар Ўзбекистон алоқа тарихи музейидаги экспонатлар билан танишди.

(ЎзА)

ЭЗГУ ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАР САБАБЧИСИ

...Юртимиз истиқлолга эришганда мен беш ёшда эдим. Онамнинг айтишларича, боғчага ҳар куни йиғлаб борар эканман. Тарбиячимиз эрталабдан кечгача бизни бир хонада олиб ўтирар, тузукроқ ўйинчоқ ҳам бўлмаган боғчамизда бирор шеър ёки қўшиқ ёдлаганимизни эслолмайман. Дам олиш кунлари биз учун байрам эди.

Ўша даврларда мактабгача таълим муассасаларига "ота-онаси ишдан қайтгунча болалар ўйнаб турадиган жой" деб қаралган.

Мустақилликнинг илк йилларидан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида вояга етказишга устувор вазифалардан бири сифатида ёндошилди.

Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлодни юксак маънавият, теран ва соғлом тафаккур соҳиби этиб тарбиялашнинг изчил механизми яратилди. Мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, мазмунини такомиллаштириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим концепцияси"си ишлаб чиқилди. Унда мактабгача таълимнинг асосий мазмуни, мақсади, вазифалари, янгиланиш тамойиллари, татбиқ этиш йўллари ва моделлари белгилаб берилди.

Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, бугунги кунда юртимиздаги мавжуд 4 минг 916 мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятини самарали амалга оширмоқда. 668 мингдан зиёд кичкинтойни қамраб олган мазкур даргоҳларда "Болажон" мактабгача таълим таянч дастури амалиётга изчил татбиқ этилмоқда. Тарбия масканларини юқори салоҳиятли, малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, реконструкция қилиш, зарур техник, ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Мактабгача таълим муассасаларида кичкинтойларни саводга тайёрлаш, нутқини ўстириш, гигиеник кўникмаларини шакллантириш билан бирга тасвирий санъат, мусиқа саводхонлиги, маънавитини юксалтириш, Ватанга муҳаббат, ижодий-интеллектуал салоҳиятини муттасил ривожлантириб боришга хизмат қиладиган интеллектуал ўйин машғулотлари ўтказилмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида боланинг ҳар томонлама баркамол ривожланишини назарда тутувчи "Жисмоний тарбия, ўз-ўзига хизмат ва гигиена", "Ижтимоий ҳиссий ривожланиш", "Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлаш", "Билиш жараёни, атроф олам ҳақидаги билимларга эга бўлиш" йўналишларида таълим-тарбия ишлари ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига биноан нафақат мактабларнинг бошланғич синфларида, балки мактабгача таълим муассасаларида ҳам кичкинтойларга инглиз тили сабоқлари ўргатилмоқда.

– Бугуннинг боласи бир эмас, бир неча тилни билишга интилади, – дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 20-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Адолат Раҳматуллаева. – Ҳали мактаб ёшига етмаган болакайларнинг чет тилларда бийрон сўзлаши, ақлни чархловчи синовларни бемалол бажара олиши бугунги авлоднинг салоҳиятини кўрсатади. Мактабгача таълим муассасасининг "Мактабга тайёрлов" гуруҳларида болалар инглиз тилидаги сўзларни эшитиб, сўнг уларни қайта такрорлаш орқали ёдлаб олиш, оғзаки талаффуз қилиш машқларини бажаришади. Яъни болаларда дастлаб ўқиш ва ёзиш эмас, балки инглизча сўзларни эшитиш орқали коммуникатив кўникма ҳосил қилинади. Бунда қўлланмаларнинг соддалиги, инглиз тилидаги видеодастурлар, мультфильмлар, ўйин ва қўшиқлар тарзида берилган машқлар ўғил-қизларнинг чет тилини тез ва осон ўзлаштиришига имкон яратади.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурига мувофиқ нодавлат мактабгача таълим муассасаларини, айниқса, вилоят марказлари ва шаҳарларда ривожлантириш ва шарт-шароитлар яратиш бўйича режалар ишлаб чиқилгани аҳамиятлидир. Ушбу мақсадлар учун Давлат дастурида ҳомийлар ва маҳаллий ҳокимликлар маблағлари ҳисобидан 17 миллиард 160 миллион сўм ажратилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, 286 мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш, ўйин майдончалари ташкил этиш, ҳудудларини ободонлаштириш ва атрофини ўраш мақсадида 195 миллиард 123 миллион сўм давлат маблағи ажратилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги мактабгача таълим муассасаларида 5 минг 175 инглиз тили, 1 минг 758 бадиий гимнастика, 1 минг 585 шахмат, 3 мингдан ортиқ шашка ва бошқа йўналишдаги тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Болаларга халқимизнинг бой тарихи, миллий қадрият ва анъаналарини ўргатиш бўйича деярли барча мактабгача таълим муассасасида маънавият хоналари, 500 га яқинида музейлар, 300 дан ортиқ муассасада кутубхоналар ташкил этилган.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида "Болажон" телеканалининг ишга тушурилиши фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғайишида катта роль ўйнамоқда. Мазкур телеканал ўз дастурларини бойитиб, болажонларнинг тил ўрганишига, жисмоний чиниқишига, билимлари кенгайишига қаратилган лойиҳаларни мунтазам тақдим этмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларидаги "Қисқа муддатли гуруҳлар" учун дастур яратиш, методист, психолог, дефектолог мутахассисларининг фаолиятини кенгайтириш борасида ҳам тизимли ишлар бажарилмоқда. ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликда қўшимча равишда 3 минг "Билимдон" дастури чоп этилиб, 2015 йилнинг сентябрь ойидан ҳудудларда ташкил этилган қисқа муддатли гуруҳларга тарқатилди.

"Таълимда глобал ҳамкорлик" лойиҳаси доирасида олиб борилган ишлар натижасида 1220 қисқа муддатли гуруҳда таълим-тарбия ишларини олиб борувчи тарбиячиларга штат бирлиги ажратилди. Унинг доирасида мактабгача таълим муассасасига қатнамайдиган 3-6 ёшли фарзанди бўлган оилалар учун 7 номдаги қўлланма ва китоб тайёрланди.

...Яқинда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 525-махсус мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг ота-оналарига "Фарзандингиз кунни қандай ўтказаётганини билишни, уларнинг фаолиятини кузатишни хоҳлайсизми? Унинг орзулари ҳақида тўлиқ маълумотга эгамисиз? Истеъдодли кичкинтойингиз рақсини, қўшиқ ёки шеър айтишини, расмлар чизишини кўришни истайсизми? Унда ташриф буюринг", деган мазмундаги хатлар тарқатилди.

– Ўтказилган мана шу сўровдан кейин яна бир бор амин бўлдикки, бугунги ота-оналар фарзанди тарбиясига бефарқ эмас, – дейди таълим муассасаси мудираси Шаҳноза Умарова. – 90 фоиз ота-она муассасага келди, "Очиқ эшиклар куни"-да тўгараклар фаолияти билан танишди.

Болалар кулгуси янграган ҳар бир гўша эзгулик ва беғуборлик қўрғонидир. Тинч ва осуда юртимиз бағрида яйраб камол топаётган фарзандларимиз билан ҳар бир хонадон, таълим маскани янада файзли, кўркам. Президентимиз таъкидлаганидек, "Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди".

Азима ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

Мактаб ярмаркаси

СИФАТЛИ ЁЗУВ ДАФТАРЛАРИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан мамлакатимиз истеъмол бозорини мактаб анжомлари билан тўлдириш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳаси ривожига катта эътибор берилаётгани, ёш авлоднинг замонавий талаблар даражасида билим олиши учун барча шароит яратилгани алоҳида таъкидланди. Бу жараёнда, жумладан, матбаа соҳаси, полиграфия корхоналари техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиниши самарасида истеъмол бозорлари сифатли маҳсулотлар билан таъминланмоқда.

Жорий йилнинг 10 августидан 10 сентябригача мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мактаб ярмаркаларини ташкил этиш ишлари тегишли вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ҳудудлар бўйича дафтар маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ўрганилиб, мактаб ярмаркалари учун 37,3 миллион дона ёзув дафтари етказиб берилиши белгиланган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги корхоналар ҳамда хусусий ишлаб чиқарувчилар томонидан 44,4 миллион дона ёзув дафтари ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, тизимдаги корхоналар томонидан 10 августга қадар 15,5 миллион дона, "Шарқ" нашриётматбаа акциядорлик компанияси томонидан 3 миллион донадан зиёд дафтар маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, мамлакатимизнинг турли ҳудудларига етказиб берилиши мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 июндаги "Таълим муассасалари учун хавфсиз полиграфия маҳсулотлари ҳақидаги Умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ўқувчи-ёшларга мўлжалланган матбаа маҳсулотларининг сифати, экологик талаб ва меъёрларга жавоб бериши, миллий маънавиятимизга мослигини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Дафтарларни ишлаб чиқариш ва миллий маънавиятимизга мос келадиган суратлар билан безатилишини таъминлаш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идоралар мутахассислари иштирокида доимий ишчи гуруҳ тузилган.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб қайтарилди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

ИСТИҚЛОЛГА ТЕНГДОШ ИЖОДКОРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданият ва санъат кўргазмаси залида Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон ҳунармандлар уюшмаси билан ҳамкорликда давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган "Истиқлолга тенгдош ижодкорлар" номли тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси очилди.

Мазкур кўргазмада асосан истиқлолга тенгдош 40 га яқин ижодкорларнинг 160 дан ортиқ тасвирий санъатнинг рангтасвир ва графика ҳамда халқ амалий санъатининг кулолчилик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги намуналари намойиш қилинмоқда. Ёш ижодкорларнинг намойиш этилаётган ишларида мамлакатимизда йил фасллари, кеча ва кундузнинг турли ҳолатлари, заминимиз неъматлари, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, замондошлар, буюк аждодларимиз сиймолари, мумтоз адабиётимиздаги график расмлар, миллий қадриятларимиз акс этган. Улар орасидан "Миллий натюрморт", "Тонгги нур", "Момақалдироқдан кейин", "Пойтахт тонги", "Тошкент оқшоми", "Болалигим", "Ибн Сино ва тиббиёт", "Бухоро: афсона ва ривоятлар" каби тасвирий санъат асарлари ўрин олган.

Кўргазма жорий йилнинг 12 августига қадар давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

Юнусобод туманининг 7-мавзесида жойлашган 52-оилавий поликлиника бугунги кунда "Адолат", "Биллур", "Қўшчинор", "Исломобод", "Мингчинор", "Уч қаҳрамон", Ҳасанбой каби 16 та маҳаллада истиқомат қилувчи 75 минг 383 нафар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Бу маҳаллалардаги аҳолининг 18 ёшгача бўлган 24 минг 634 нафарини болалар, 4 минг 370 нафарини ўсмир болалар, 50 минг 749 нафарини катталар ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида поликлиника ҳудудида улкан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини ҳаётга татбиқ этишда ҳам поликлиника жамоасининг хизматлари катта бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 24 июндаги 282-сонли буйруғи асосида 11 июлдан бошлаб бир ой давомида "Патронаж ойлиги" бўлиб ўтди. Бундан "Соғлом она ва бола йили"да аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни янада такомиллаштириш, фертиль ёшдаги аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли, айниқса, кекса ёшдаги фуқаролар, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронларга кўрсатилаётган тиббий санитария ва реабилитация тадбирлари сифат ва самарадорлигини ошириш, диспансер назоратидаги, сурункали касаллиги бор беморларнинг динамик кузатувларини амалга ошириш ҳамда аҳоли орасида касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, керакли ҳажмда тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш каби хайрли мақсадлар кўзда тутилди.

— "Патронаж ойлиги"ни ўтказиш учун 4 босқичли режа ишлаб чиқилди, дастлаб барча тиббий ходимларнинг рўйхатини туздик, уларни 18 минг 756 хонадонга бириктириб қўйдик, — дейди 52-оилавий поликлиника бош шифокори Кимё Шокирова. — Иккинчи босқичда ҳомиладор аёлларни алоҳида рўйхат билан акушер-гинекологларга, умумий амалиёт шифокорларига бириктирдик. Учинчи босқичда сурункали касаллиги бор беморларни лор, уролог, терапевт, окулист каби тор мутахассисларга бириктирдик. Патронаж ойлигида шифокорларимиз уларнинг уйларига бориб кўрикдан ўтказишди. Тўртинчи босқич доирасида ёлғиз қариялар, меҳнат ногиронлари, уруш қатнашчилари, кексайиб қолган, келиши қийин беморларга алоҳида шифокорни бириктириб қўйдик ва у кунига 6 тадан хонадонни бўлиб олиб, уйига бориб хабар олди.

Поликлиникага 2013 йилда рақамли рентген аппарати олинди. УЗИ, ЭКГ, электроэнцефалограф аппарати бор, физиотерапия бўлими ишлаб турибди.

Бир сўз билан айтганда, "Соғлом она ва бола йили"да аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда 52-оилавий поликлиника жамоаси ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқда.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Тошкент шаҳрининг туманларида 2016 йил 1 августдан 1 октябргача ташкил этиладиган марказий "Мактаб бозорлари" рўйхати

Учтепа тумани – "Г-9а" мавзеси, Фарҳод кўчаси, (Фарҳод деҳқон бозори ён томонидаги автотўхташ жойида)

Бектемир тумани – "Триумвират қурилиш" МЧЖга қарашли "Қўйлиқ савдо мажмуаси"да

Миробод тумани – Ўзбекистон кўчаси, 17, "Тошкент универмаги"да

М.Улуғбек тумани – Сайрам кўчаси, 39-уй, "Бўз" бозорининг кириш қисмида

Олмазор тумани – Талаба кўчаси, 2-уй, "Акмал Зиё" ХКнинг дўкони олдида

Сергели тумани – Сергели-3, Янги Сергели ва Обиҳаёт кўчалари кесишувида

Чилонзор тумани – Чилонзор кўчаси, 55-уй, "Чилонзор савдо маркази" олдида

Яшнобод тумани – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази (собиқ Авиасозлар саройи) олдидаги майдонда

Шайхонтоҳур тумани – А.Навоий кўчаси, 44-уй олдида

Юнусобод тумани – Амир Темур шоҳ кўчаси ва Аҳмад Дониш кўчаси кесишувида ("Юнусобод" супермаркети дўкони олдида)

Яккасарой тумани – Шоҳжаҳон кўчаси автотўхташ жойи олдида ("Аския деҳқон бозори"нинг кириш қисмида)

Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги деҳқон ва буюм бозорларида тадбиркорлар томонидан мактаб бозорлари шаклида ўқув қуроллари, қўлланмалари, кийим-кечаклар, пойабзаллар савдоси ташкил этилади.

"YASMIN GOLD AUTO" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 24.04.2015 йилдаги 10-1510/8500-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Сергели туман суд ижрочилари бўлими (СИБ) томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Жунариқ кўчаси, 27 "А"-уй манзилида сақланаётган

- 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/250NBA бўлган "МАЗ 5551" – русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси – 17 169 681,0 сўм.

- 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/248NBA бўлган "МАЗ 5551" – русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси – 13 690 616,0 сўм.

- 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/508BDA бўлган "ЗИЛ 130" – русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси – 8 246 926,0 сўм.

- 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/249NBA бўлган "УАЗ 452Д" – русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси – 8 346 640,20 сўм.

- 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/247NBA бўлган "NEXIA" – русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси – 9 264 761,16 сўм.

- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/509BDA бўлган "ГАЗ 3102910" – русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси – 3 726 318,0 сўм.

Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан СИБ вакили иштирокида, уларнинг жойлашган манзилига бориб бевосита танишишлари мумкин.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида ва вақтларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **1 (бир) кун** аввал соат **17-00да** тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"га асосан, савдо объекти бошланғич нархининг камида **10 фоизи** миқдоридаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро варақаси рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси – "YASMIN GOLD AUTO" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Амалиёт бўлимидаги ФА: 00974; СТИР: 303959694; 2020 8000 1006 2032 8001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

– белгиланган тартибда расмийлаштирилган буюртманома;

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома ва устав нусхаси, жисмоний шахслар учун – паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси. Агарда улар ўрнига савдода ваколатли вакил қатнашса, ушбу ҳужжатларга қўшимча равишда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси. Ахборот-маслаҳат хизматлари учун қўшимча тўлов олинади.

Аукцион савдоси ғолибига савдо ўтган кундан бошлаб **5 (беш) банк иш куни** муддатида, савдо объекти учун тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдолари 2016 йил 12 сентябрь куни соат 11-00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Толимаржон кўчаси, 2-уй манзилда бўлиб ўтади.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (97) 709-93-40; электрон почта: yasminauto@mail.ru.

Гувоҳнома №008311

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ошхонасини ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда иштирок этувчиларнинг аризалари 2016 йил 10 августдан бошлаб 26 август соат 18:00 га қадар Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 17/18-уй (Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби)да қабул қилинади.

Танловга оид қўшимча маълумотлар билан танишиш учун (99871) 240-51-18 ва (99894) 642-83-93 телефонларига мурожаат этишингиз мумкин.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ ОЛИМПИАДАДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚАТНАШМОҚДА

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида давом этаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида спортчиларимиз муносиб иштирок этмоқда.



Бокс бўйича вазни 49 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги баҳсларда қатнашаётган Ҳасанбой Дўсматов дастлабки жангида мексикалик Хоселито Велазуезга қарши рингга чиқди. Мустаҳкам ҳимоя, кучли техника, аниқ ва тезкор зарбага эга боксчимиз рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Энди Ҳасанбой 10 август куни ўтказиладиган чорак финал баҳсида қозоғистонлик Биржан Жакипов билан беллашади.

Вазни 91 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Рустам Тўлаганов илк баҳсида эквадорлик Хулио Цезар Кастиллони 3:0 ҳисобида енгиб, чорак финалга чиқди. Тажрибали боксчимиз 10 август куни ярим финал йўлланмаси учун кечадиган беллашувда озарбайжонлик Абдуқодир Абдуллаев билан куч синашади.

Академик эшкак эшиш бўйича ўтказилаётган баҳсларда Шаҳбоз Холмирзаев саралаш баҳсларидан муваффақиятли ўтди. 2000 метр масофага ўтказилган пойгаларда 7 дақиқаю 14.58 сония натижа билан маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва чорак финалга йўлланма олди.

Бугун Шаҳбоз Холмирзаев чорак финалда ўз имкониятини синовдан ўтказади. Шунингдек, Олимпия ўйинларининг бугунги мусобақасида дзюдо бўйича Шаҳзодбек Собиров, бокс бўйича Ҳуршид Тожибоев ва оғир атлетика бўйича Достон Ёқубов баҳсларга киришади.

Б. АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

Спорт янгиликлари

ИККИНЧИ ДАВРА БОШЛАНДИ

Ниҳоят бир ойлик таътилдан сўнг футбол бўйича олий лига жамоалари мамлакат XXV миллий чемпионати иккинчи давра учрашувларини бошлаб юборишди.

Ўтказилган 16-тур яна ўзининг кутилмаган натижалари билан мухлисларни ҳайратга солди. Олий лиганинг янги вакили "Обод" жамоаси ушбу турда ўз майдонида "Қўқон-1912" командасини шиддатли курашлар остида кечган беллашувда 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва муҳим уч очкони қўлга киритди. Рақиблар дарвозасини "Обод"дан – Д.Ҳасанов (пенальти), Ш.Норхонов, "Қўқон-1912"дан – О.Зокиров аниқ нишонга олишди.

Ушбу тур пойтахтимизнинг етакчи жамоалари "Бунёдкор" ва "Пахтакор" учун омадсиз якунланди.

Андижонда "Андижон" меҳмони бўлган амалдаги чемпион "Пахтакор" мезбонлардан енгилди. Ўйин 1:0 ҳисобида якунланди.

Фарғонада "Нефтчи" билан куч синашган "Бунёдкор" ҳам уч очкодан маҳрум бўлди. Учрашув фарғоналикларнинг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан ниҳоясига етди.

Турнир жадвалида карвонбошилик қилаётган "Локомотив" эса Тошкентда "Навбаҳор"дан 5:0 ҳисобида устун келди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: "Машъал" — "Қизилқум" — 0:1, "Олмалиқ" — "Бухоро" — 0:1, "Шўртан" — "Насаф" — 0:3, "Сўғдиёна" — "Металлург" — 0:0.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг 2018 йили Россияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати саралашининг учинчи босқичи доирасидаги дастлабки учрашуви бошланиш вақти ўзгарди.

САРАЛАШ БАҲСИНИНГ ВАҚТИ ЎЗГАРДИ

Маълум қилинишича, "Бунёдкор" стадионида 1 сентябрь куни бўлиб ўтадиган Сурия терма жамоасига қарши беллашув бошланиш вақти аввалроқ 19:00 қилиб белгиланган эди. Аммо баъзи сабабларга кўра мазкур ўйин старт олиш вақти бир соат кечроққа 20:00 қилиб белгиланди.

Эслатиб ўтамиз, жаҳон чемпионати саралашининг учинчи босқичига тайёргарлик кўраётган Самвел Бабаян бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 20 августдан расмий ўйинлар олдидан сўнгги йиғинини бошлайди.

ЧЕХИЯДА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Чехияда стандарт шахмат бўйича эллик нафардан зиёд шахматчилар иштирокида "Czech open 2016" халқаро мусобақаси ўз якунига етди.

Қувонарлиси, ушбу мусобақада ўз тоифаларида иштирок этган ёш шахматчиларимиз Жавоҳир ва Исломбек Синдоровлар муваффақиятли иштирок этишди.

Жавоҳир Синдоров катталар билан куч синашганига қарамай бирорта партияда ҳам мағлубиятга учрамади. Истеъдодли шахматчимиз 9 партияда 5,5 очко жамғаришга муваффақ бўлди.

Исломбек Синдоровда акасидан ҳам юқори натижа кузатилди. 9 учрашувнинг 7 тасида ғалаба ва 2 дуранг қайд этган Исломбек "MOTORGAS OPEN" турнирида зафар қучди. Ҳар икки вакилларимизнинг келажакдаги фаолиятида ҳам мана шундай муваффақиятлар кутиб қоламиз.

Футбол бўйича Сурия терма жамоаси 2018 йилги жаҳон чемпионати сўнгги саралаш босқичига муносиб тайёргарлик кўриш учун Россияда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказади.

ЎЙИНЛАР ЭРОНДА ЎТКАЗИЛАДИ

Сурия терма жамоаси Россияга 15 август санасида йўл олади. Ушбу йиғин даврида улар қўшни Тожикистон ҳамда Ливан терма жамоалари билан ҳам ўртоқлик учрашувларини ўтказиши режалаштирилган.

Яна хабар қилинишича, мундиалнинг саралаш учрашувлари доирасида уй ўйинларини суриялик футболчилар Эрон яшил майдонларида ўтказишади. Даставвал саралаш цикли ўйинларини Ливан майдонида ўтказилиши режалаштирилган эди. Бироқ, ливанликлар билан келишувга эришилмади.

Ботир ХЎЖАЕВ

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда салбий экологик оқибатларнинг олдини олиш мақсадида давлат экологик экспертизасидан ўтказиш мавзуида давра суҳбати ўтказилди, дея хабар қилади ЎзА мухбири.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишлар аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим омил бўлмоқда. Бунда хўжалик субъектлари томонидан атроф-муҳитга етказилаётган зарарнинг олдини олиш ҳамда юмшатишга қаратилган экологик назорат тадбирлари алоҳида ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган 55 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектининг бир қисми атроф-муҳитга салбий таъсир ўтказиши аниқланган. Бугунги кунга қадар уларнинг 8 мингга яқини экологик экспертизадан ўтказилган бўлиб, бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган етти ойида 1 минг 200 дан зиёд тадбиркорлик субъекти экспертизадан ўтказилган.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига асосан мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятни амалга оширишдан олдин бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш мажбурийлиги, давлат экологик экспертизасидан ўтказиш тартиб-таомиллари, унинг объектлари ва турлари каби масалалар юзасидан тушунчалар берилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 12 сентябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади:

Объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
– ушбу "Объектлар" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш (жадвалда келтирилади);
– янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
– харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларга (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
– сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;
– таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2016 йил 12 сентябрь куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2016 йил 26 сентябрь, 10, 24 октябрь, 7, 21 ноябрь ва 5, 19 декабрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат кўчмас мулк объектлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Баланса сақловчи	пул.мк	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	1 қаватли бинонинг ертўла қисми	154	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Эълфияхоним кўчаси, 1а-уй	Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги	02.03.2015 №39	315 086 600	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	Маъмурий бино-иншоот	579	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қодирий кўчаси, 47-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Сувсоз" ДУК	02.03.2015 №39	1 623 288 200		
3	Фаолияти тугатилган собиқ мактабгача таълим муассасаси бино-иншоотлари	892	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳраҳон кўчаси	Тошкент шаҳар Яккасарой туман ҳокимлиги	02.03.2015 №39	2 120 855 251	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларга амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида); "Объект" собиқ мактабгача таълим муассасаси ҳисобланганини сабабли, "Харидор"га ушбу "Объект"ни 5 (беш) йил давомида мактабгача таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатиши мажбурияти юклатилади	

Пойтахтимизда ёнғиннинг олдини олиш, фуқароларимизга унинг салбий оқибатлари, "тилсиз ёв" натижасида ўзи ва ўзганинг мулкига, энг ачинарлиси соғлиғига зарар етиши мумкинлиги тўғрисида ва уни бартараф этишда нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида тизимли равишда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

"101"

АСОСИЙ МАҚСАД – ЁНҒИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Яшнобод тумани ЁХБ шахсий таркибининг саъй-ҳаракатлари билан ёнғинлар сонини камайтириш мақсадида туман ҳудудидаги маҳаллаларда, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, коллежларда, Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернатларида ва корхона-ташкилотларда учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, Яшнобод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишни, бу билан сиз нафақат ўзингизни, балки атрофингиздаги яқинларингиз, қўни-қўшниларингизнинг ҳаёти ва мол-мулкини асраб қолишингизни яна бир бор эслатиб ўтади.

Дилмурод ЭРГАШЕВ,
Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

Божхона

КОНТЕЙНЕРДА БОР – ҲУЖЖАТДА ЙЎҚ

Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ўтказилган тезкор тадбирлар давомида йирик миқдордаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйилди.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида фуқаро Б.Наримоновнинг (мақоладаги исм-фамилиялар ўзгартирилган) хонадони амалдаги тартибларга мувофиқ холислар иштирокида кўздан кечирилганда, хонадон ертўласида 1236 тўп газламалар ҳеч қандай ҳужжатсиз яширин равишда сақланаётганлиги фош қилинди. Суриштирувлар давомида маълум бўлишича, қиймати 335 млн. сўмдан ортиқ бўлган салкам 40 минг метр ўлчамдаги мазкур матолар хоразмлик Ж.Бобоевга тегишли экан.

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Чуқурсой техник идора" чегара божхона пости ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда хориждан Фарғона вилоятида фаолият юритувчи корхоналар номига келтирилган темир йўл контейнерларидаги юклар белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказилганда, мазкур контейнерларда тегишли йўл ҳужжатларида кўрсатилмаган ортиқча 54 турдаги халқ истеъмоли товарлари борлиги аниқланди. Дастлабки маълумотларга асосан ушбу товар моддий бойликларнинг умумий нархи салкам 1,7 млрд. сўмни ташкил қилар экан.

Саноатда муҳим аҳамият касб этувчи қора ва рангли металлга эҳтиёж ҳамиша баланд бўлиб келган. Шу сабабли, қора ва рангли металлнинг парчалари ва чиқиндилари ҳам ўз қийматини йўқотмайди. Божхона органлари ўз ваколати доирасида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда, ишлаб чиқариш-техника буюмлари парчалари ва айланмасининг олдини олиш, республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, қимматли хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида республикамиздан олиб чиқиш учун тўплаб қўйилган рангли металл парчаларининг яширин омборини фош қилишди.

Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи фуқаро М.Иззатовага тегишли гараж белгиланган тартибда холислар иштирокида кўздан кечирилганда, рангли металларни сақлашга ва қабул қилиб олиш учун белгиланган тартибда давлат корхоналари рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган умумий оғирлиги 2 тонна 200 кг. дан зиёд бўлган ҳар хил турдаги – мис, алюминий, қўрғошин ва латунь металлари ҳамда уларнинг чиқиндилари борлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув жараёнлари давом эттирилмоқда.

Шу ўринда юртдошларимиздан божхона қоидабузарликлари ёки божхона ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 120-76-76 – "Ишонч телефонлари"га қўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 11 август куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 21-23, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 11 августда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 855
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ